

ЎЗБЕКИСТОН:
ЎТМИШНИНГ
МАДАНИЙ
МЕРОСИ —
МАЪРИФИЙ
КЕЛАЖАК
САРИ ЙЎЛ





ЎЗБЕКИСТОН: ЎТМИШНИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИ – МАЪРИФИЙ КЕЛАЖАК САРИ ЙЎЛ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БОЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ САҚЛАШ ВА ЎРГАНИШ, ХАЛҚИМИЗНИНГ УМУМИНСОНИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯГА ҚЎШГАН ХИССАСИНИ ДУНЁ МИҚЁСИДА ТАРФИБ ҚИЛИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Сўнги икки ярим йилдан ортиқ вақт давомида мамлакатда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон маданий меросини сақлаш ва оммалаштириш масалалари бўйича бир қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда. Мазкур ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Қайд этиш лозимки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маданият, илм-фан, адабиёт ва санъат соҳаларида кенг миқёсдаги мақсадлар

белгиланган ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон жаҳонга очиклик сиёсатини танлади. Ва бу йўл турли мамлакатлар билан маданий алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам катта ўрин тутди.

Масалан, 2018 йил октябрь ойида Францияга ташрифи чоғида Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКО бош директори Одре Азуле билан музокаралар ўтказди.

Илм-фан, маданият ва республиканинг тарихий-меъморий маданияти ва уларни сақлаш борасидаги ҳамкорликдаги лойиҳалар муҳокама қилинди. Учрашув давомида Шавкат Мирзиёев ва



Одре Азуле 2021 йилгача ҳамкорлик Да-
стурини имзолашди.

ЮНЕСКО бош директори Ўзбекистон етакчисининг бир қатор таклифлари, жумладан мазкур ташкилот шафелигида Самарқандда маданият, бағрикенгликни шакллантириш, экстремизмнинг олдини олиш бўйича Мирзо Улуғбек номидаги Халқаро институтни ташкил этиш, Тошкентдаги Ахборот технологиялари университетида ахборот-коммуникацион технологиялар бўйича Минтақавий марказ очиш режаларини, Самарқанддаги Халқаро Туризм университетида ЮНЕСКО кафедрасини очишни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи асносида 2017 йилда тузилган Маданият ва санъатни ривожлантириш фонди ва Лувр музейи ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Бундан ташқари 2018 йилда Франция делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Лувр музейи билан Ўзбекистонга маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича махсус марказ ташкил этиш, шунингдек музей коллекцияларининг электрон реестрини шакллантириш борасида ҳамкорлик қилиш юзасидан келишиб олинди.

Томонлар шунингдек, Ўзбекистоннинг Луврда миллий кўргазмасини ташкил қилиш, экспозициянинг бошланғич таркиби, ўзаро ҳамкорлик истикболлари масалалари муҳокама қилинди. Кўргазманинг асосий мақсади Жанубий ва Марказий Осиё карвон йўлларида, бугунги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган цивилизация ва маданиятларни намойиш қилишдан иборат.

Ўзбекистон унинг асосий мақсади маданиятлараро ижодий мулоқотни, юртимиз санъатининг жаҳон маданияти майдонидаги интеграциясини йўлга қўйишга катта эътибор қаратмоқда. Бу масалаларни ҳал этиш билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг




*Шавкат Мирзиёев ва Одре Азуле,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Францияга давлат ташрифи чоғида.*

Фармонига мувофиқ ташкил этилган Маданият вазирлиги ҳузурида маданият ва санъатни ривожлантириш фонди шуғулланади. Фонд тасвирий санъат, адабиёт, театр, мусиқа ва хореография, халқаро ва давлатлараро маданий алоқаларни кенгайтириш, халқаро маданий ташкилотлар ҳамда санъат ва маданият соҳасидаги хайрия фондлари ўртасидаги ҳамкорликни комплекс ривожлантириш, мамлакатимиз маданият арбобларини ҳар тарафлама ҳимоялаш, юртимизда бу борадаги хайрия тизимини ривожлантиришда хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш сингари масалаларни камраб олган.

Айни пайтда Маданият ва санъатни ривожлантириш фонди хорижда бир қатор йирик тадбирларни ташкил этиш борасида иш олиб бормоқда. Ўзбекистоннинг Вашингтондаги Саклер галереяси (АҚШ) ҳамда Венадаги Альбертина (Австрия) музейида ташкил қилинган кўргазмалари шулар жумласидандир. Шунингдек, Венеция биенналесида (Италия) мамлакат павильонини очиш режалаштирилган.

Шу билан биргаликда қайд этиш лозимки, бир неча йилдан бери мамлакат ўзининг буюк маданий меросини кўплаб

Ислам цивилизацияси маркази.







халқаро майдонларда намоиш этмоқда. Нукусдаги Игорь Савицкий номидаги Давлат санъат музейининг Москвада ташкил қилинган кўчма кўрғазмасини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин.

Кўрғазма Ўзбекистон Президентининг 2017 йил апрель ойида Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида Пушкин номидаги Тасвирий санъат давлат музейида очилди. Бу ерга икки юздан ортиқ экспонатлардан иборат ғаройиб экспозиция етказиб берилди. Санъат ихлосмандлари ҳукмига ҳавола қилинган рус ва Туркистон авангарди дурдоналари, амалий санъат ва археологик артефактлардан иборат Савицкий тўпламининг энг ёрқин ва аҳамиятли асарлари кўчма кўрғазмаси ҳеч қаерда бундай миқёсда намоиш этилмаган эди. Омманинг юқори қизиқиши сабабли кўрғазма деярли уч ҳафтага узайтирилди.



Москвадаги И. Савицкий номидаги музейда кўчма кўрғазма.



Кейинги йилларда Ўзбекистонда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини тарғиб қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг юксак минбаридан туриб ислом динининг маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилиш зарурлигини таъкидлади. Бугун ана шу сўз ўз ижобатини топаётир.

2016 йилда Тошкентда Ислам Ҳамкорлик Ташкилотининг ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида Ўзбекистон раҳбари Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси ҳузурида Имом Бухорий ва бошқа олим ҳамда мутафаккирларнинг илмий-маърифий меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг таржималари ва шарҳларини чоп этиш, мамлакат ва хориж кутубхоналари, архив фондларида сақланаётган илмий асарларнинг электрон нусхаларини тў-





плаш, уларни халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятига етказиш билан шуғулланадиган илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Унда Шарқнинг буюк алломалари бой маданий меросини ўрганиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

2017 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тошпириғи билан Тошкентда Ислам цивилизацияси маркази қурилиши бошланди. Бу ерда кутубхона, замонавий Ўзбекистон ҳудудида яшаган буюк олим ва дин арбоблари томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларига тегишли Ўзбекистон ва хорижда сақланаётган қадимий кўлёзма ва тошбосма манбалар, тарихий хужжатлар, қадимий буюмлар, шунингдек, ана шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот















билан тўлдириладиган архив ва қўлёзма фонддини яратиш режалаштирилмоқда. Диний йўналишдаги тўққизта ўрта махсус ва иккита олий таълим муассасаси Марказ тузилмасига киради.

Ўзбекистондан ташқаридаги, жаҳон кутубхоналари ва музейларида сақланаётган маданият меросни ўрганишга юртимизда жуда катта аҳамият берилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, шунингдек, “Ўзархив” агентлигининг таклифларига асосан 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази ташкил қилинди.

2018 йилнинг декабрида Ўзбекистон Президенти Маданият вазирлиги ҳузурида Маданий мерос департаменти, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида унинг бошқармаларини ташкил этиш ҳақидаги қарорни имзолади. Янги муассаса кенг ваколатларга эга бўлиб, моддий маданий мерос, жумладан археологик мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатли органга айланди.

Ўзбекистон маданий ёдгорликларини сақлаш в ҳимоялаш, халқимиз қўлёзма мероси намуналарини тадқиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда.

2018 йилнинг март ойида Шарқ қўлёзмалари институтининг янги биноси очилди. Унда ноёб қўлёзмаларни сақлаш, илмий фаолиятни амалга ошириш, конференция ва анжуманларни ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистонда юртимизнинг бебаҳо маданиятини намойиш этувчи, халқимизнинг гўзал ва бетакрор кадриятларини кўрсатувчи тадбирлар доимий асосда ўтказила бошланди.

Улар орасида – Қўқонда йилда икки марта ўтказилиши белгиланган халқ





- 

CA-3919
Fragments of carved door ornaments
Ganch; Uzbekistan, 20.5x29.5 cm.
Khanjir, 1947, 241-243-6; Shakhmurov, 1963, 168-6.
- 

CA-3917, CA-3974
Fragments of carved door ornaments
Ganch; Uzbekistan, 19.2x9 cm, 12.7x15.5 cm.
- 

CA-3940, CA-3962
Fragments with geometric ornaments
Ganch; carving, 7.8x14 cm, 11.8x19.7 cm.
- 

CA-3919
Fragment of carved door
Ganch; carving, 20.5x29.5 cm.
Publications: Shakhmurov, 1947, pp. 241-243; Shakhmurov, 1963, p. 168.
- 

CA-3917, SA-3974
Fragments of carved door with floral ornaments
Ganch; carving, 19.2x9 cm, 12.7x15.5 cm.
- 

CA-3940, SA-3962
Fragments with geometric ornaments
Ganch; carving, 7.8x14 cm, 11.8x19.7 cm.
- 

CA-3919
Fragment of carved door
Ganch; carving, 20.5x29.5 cm.
Publications: Shakhmurov, 1947, pp. 241-243; Shakhmurov, 1963, p. 168.
- 

CA-3917, CA-3974
Fragments of carved door with floral ornaments
Ganch; carving, 19.2x9 cm, 12.7x15.5 cm.
- 

CA-3940, CA-3962
Fragments with geometric ornaments
Ganch; carving, 7.8x14 cm, 11.8x19.7 cm.



*II Халқаро конгресс иштирокчилари,
Санкт-Петербур*

амалий санъати халқаро фестивали. Сурхондарёда икки йилда бир марта ўтадиган хориждаги ва юртимиздаги халқ бахшилари, оқинлари, ошиқлари хонанда ва бадийий жамоалари, фольклоршунос олимлар иштирокида театрлаштирилган томошаларни ўзи ичига олган Бахшичилик маданияти фестивали, Шахрисабздаги Мақом фестивалини тилга олиш мумкин.

Президент моддий-маданий мерос объектларини кўриқлаш, сақлаш, илмий тадқиқ этиш, тарғиб қилишни изчил тақомиллаштириш бўйича 2019-2021 йил-

ларга мўлжалланган «Йўл харитаси»ни ҳам тасдиқлади.

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш масалаларига нафақат давлат, балки мамлакат фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳам эътибор қаратилмоқда.

Бир қатор жамоатчилик, нодавлат, халқаро ташкилотлар, ижтимоий масъул бизнес субъектлари ва дунёга машҳур шарқшунос олимлар ташаббуси билан ташкил қилинган «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» кенг миқёсдаги лойиҳаси бунга яққол мисол бўлади.



Лойиҳа доирасида дунё бўйлаб сочи-либ кетган ўзбек халқи санъати дурдона-лари изчиллик билан тўпланмоқда. 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг жаҳон тўпланларидаги артефактларига бағишланган бешта китоб-альбомлар чиқарилиши билан лойиҳа сезиларли равишда кенгайди ва ҳозирда олти йўналиш бўйича амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида илмий ишларини Ўзбекистон маданияти ва илм-фанини ўрганишга бағишлаган бутун дунёдаги 300 дан ортиқ шарқшунос-олимларнинг Ўзбекистоннинг маданий меросини ўр-

ганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича гоёларини бирлаштиришга муваффақ бўлинди.

2017 йил май ойида Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтган «Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» I Халқаро илмий-маданий конгрессида илк марта Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятига асос солиш гоёси илгари сурилди.

2018 йилда Санкт-Петербургда ўтган II Халқаро конгресс доирасида Бутунжаҳон



жамиятига асос солинди, унинг низоми тасдиқланди. Бутунжаҳон жамияти Ўзбекистон тарихи ва маданиятини кадрловчиларнинг барчасини бирлаштиради, олим ва тадқиқотчиларнинг Ўзбекистон қадимий заминидаги маданий меросни ўрганиш, сақлаш ва тарғиб этиш борасидаги фаолиятида ишончли кўмакчига айланади.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, тадқиқотчилар, экспертлар, илм-фан, медиа ва бошқа соҳалар вакилларининг Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлигига кўмак кўрсатиш жамият мақсадларидан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олимларни маърифий, маданий ҳамда моддий қадриятларни англашнинг янги назарий тамойилларини ишлаб чиқиш, жамиятнинг барча соҳаларида янгиланишнинг янги усулларини излашга чорлайди. Ўзбекистонда миллий тикланиш, тенгликка эга бўлиш ўз тарихи ва маданиятини билишдан бошланишини яхши англашади.

Сўнгги уч йилга яқин вақтда маданият ривожидagi инқирозни енгиш, маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш жараёнидаги турғунликни бартараф қилишга, янгича ёндашувда давлат ва жамоатчилик иштирокини таъминлашга, маданият ва санъатни ривожлантиришда халқаро олимлар ҳамжамиятини жалб этишга эришилди.

Бу борада Ўзбекистон Маданий мероси ҳафталиги шубҳасизки, Ўзбекистоннинг маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш жараёнига ўз салмоқли хиссасини қўшади.







ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИ — МИЛЛАТЛАР ВА ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

ИККИ ЙИЛ ДАВОМИДА МАМЛАКАТДА ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИНИ САҚЛАШ ВА КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҚАТОР ТАШАББУСЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. 2017-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ МАДАНИЯТ, ФАН, АДАБИЁТ ВА САЊАТ СОҲАЛАРИДАГИ УЛКАН МАҚСАДЛАРНИ БЕЛГИЛАЙДИ.

ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН БИЗ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ АЗИЗ АБДУҲАКИМОВГА БИР НЕЧТА САВОЛ БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛДИК.





– Самарқандда август ойида бўлиб ўтадиган конференция тўғрисида, шунингдек, анжуман иштирокчилари ҳақида маълумот берсангиз...

-26 август куни (2019 йил) Самарқандда ЮНЕСКО шафелигида «Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегиялари» мавзусида Халқаро конференция ўтказилиши режалаштирилган.

Тадбирга ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мерос қўмитаси аъзолари, ЮНЕСКОнинг маданий мерос бўйича мутахассислари, бир қатор хорижий мамлакатлар Маданият вазирлари, дунёга машҳур музейлар, миллий кутубхоналар ва илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, хорижий ва маҳаллий олимлар таклиф этилади.

Айтмоқчиманки, Ўзбекистон илм-фан тарихида биринчи марта дунёнинг

40 та мамлакатидан таниқли шарқшунослар, шу жумладан 10 нафар академик, 200 нафар фан доктори, 100 нафар профессор иштирокида нуфузли форум ташкил этилади. Таклиф қилинганлар орасида ЮНЕСКО бош директори Одре Азуле, Жаҳон мероси маркази директори, доктор Мехтилд Риеслер, Австрия Фанлар академияси вице-президенти, Буюк ипак йўли тадқиқотчиси машҳур Майкл Алрам, Давлат Эрмидажи музейи бош директори, Россия Фанлар академияси академиги Михаил Пиотровский, академик Александр Сергеев. Ўрта Осиё ва Кавказни ўрганиш институти директори, профессор Фредерик Старр, Лувр музейи директори, доктор Жан-Люк Мартинес, Рим миллий кутубхонаси директори Андреа Де Паскал, таниқли француз археологи, Афросиёб бўйича Ўзбекистон-Франция қўшма экспедицияси раҳбари, профессор Франс Грен ва бутун умрини тадқиқотчиликка





ва Ўрта Осиёнинг маданий ва тарихий мероси билан боғлиқ мавзуларни ўрганишга бағишлаган кўплаб бошқа таниқли олимлар бор.

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштиришнинг кенг қўламли жараёни билан дунё жамоатчилигини таништириш, уни ўрганиш билан боғлиқ фундаментал лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда дунёга таниқли олимларни бирлаштириш мақсадида 22-25 август кунлари Тошкент, Термиз ва Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган «Ўзбекистон — буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империялар, динлар, маданиятлар» мавзусида Маданий мерос ҳафталигида бирлаштирилган қатор аҳамиятли тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

— Илмий жамоатчилик учун Маданий мерос ҳафталигида яна қандай қутилмаган совгалар тайёрланмоқда?

-Маданий мерос ҳафталиги доирасида Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида «Ўзбекистон қўлёзма ёдгорликларининг дурдона асарлари» иккита кўргазмасини, шунингдек, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Кушон олтини» кўргазмасини ўтказиш режалаштирилган, унда бир қатор хорижий олимларнинг кўплаб илтимосларига биноан мустақиллик йилларида илк маротаба Геракл тасвири туширилган гемма билан безатилган олтин пекторал (гривна), кўкрак олтин заргарлик буюмлари, хайвоннинг тимсоли бўлган олтин кўкрак нишони, оғирлик нормаларини кўрсатувчи хароштхи ёзувларида битилган ноёб олтин қайроқлари (бўлақлари) ва бошқалар намойиш этилади.

Кўргазмада «Кушон подшолигининг хазиналари» китоб-альбоми тақдимоти ва шу номдаги ҳужжатли фильм намойиш этилади.



«Ат-Тафхим». Беруний. IX аср.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти коллекциясидан.




– Бизга маълумки, Маданий мерос ҳафталиги 4 шаҳарда ўтказилади, Термиздаги тадбирлар дастури ҳақида батафсил маълумот бера оласизми?

Термиз шаҳрида «Ўзбекистон – цивилизациялар чорраҳаси» Халқаро Археология-туризм форуми бўлиб ўтади. Форум давомида Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш

ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг янги лойиҳалари – «Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорликлари каталоги» ва «Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг меъморий ёдгорликлари каталоги» тақдимотини ўтказиш режалаштирилган.

Шу билан бирга тадбир иштирокчиларига қадимий шаҳарни қайта тиклайдиган ва тадбирнинг барча иштирокчилари ва меҳмонларига ушбу ноёб археологик ёдгорлик билан ўзининг асл қиёфасида танишиш имконини берадиган 3D форматдаги Окс Искандарияси инсталляцияси тақдим этилади.

Тадбир доирасида тарихда биринчи марта бир гуруҳ олимларнинг Кампиртепа шаҳристонидagi қазилма ишлари натижалари бўйича сенсацион натижалари эълон қилинади. Масалан, хусусан, ушбу тарихий объект қадимги Юнонистон тарихчиси ва географи Птолемей томонидан эслаб ўтилган



*Будда роҳиблари.
Фаёзтепа. Сурхондарё вилояти.*



эллинистик давр ёдгорлиги — афсонавий Окс Искандариясининг худди ўзи эканлиги исботланган. Шунингдек, кенг жамоатчиликни диққатга сазовор тарихий ва маданий ёдгорликлар билан таништириш учун pocket book форматида «Окс Искандарияси (Кампиртепа)» ва «Кушонлар: сулола, халқ, ёзув» рисолаши нашр этишга тайёрланмоқда.

Термиздаги тадбирлар давомида Қоратепа ва Фаёзтепадаги дунёга машхур буддавийлар ибодатхоналарига иштирокчиларнинг зиёрати ва ташрифи, археолог Ш.Пидаев томонидан бир неча йил олдин Қоратепадан топилган ноёб ранг-гасвир асари намуналари билан танишишлари ташкил этилади.

—Маданий мерос ҳафталиги маданият, фан, адабиёт ва санъат соҳасида аниқланган маданий меросни асраш ва кўпайтириш масалалари билан боғлиқ ташаббусларни қандай йўл билан ўзида акс эттиради?

—Маданий мерос ҳафталиги дастурининг муҳим қисми қатнашчиларни маърифатли Ислом ғоясини оммалаштириш бўйича кенг кўламли лойиҳалар, хусусан Тошкентда қурилаётган Халқаро Ислом цивилизацияси маркази билан таништиришдан иборат. Иккита муқаддас ёдгорлик — Усмон Қуръонининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси фондидаги ноёб нусхаси, шунингдек, Катта Лангар Қуръонининг 16 та варағи билан таништириш режалаштирилган бўлиб, бу жаҳонга яна бир бор илк араб ёзуви – куфийда ёзилган Қуръонларнинг иккита нусхасига эга бўлган давлат сифатида Ўзбекистоннинг ноёб мақомини намоиш этади.



Инв. 11606.
Катта Лангар Қуръонидан саҳифалар.
Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон
Беруний номидаги Шарқишунослик институти
коллекциясидан.



Канишка I ва Будда тасвири туширилган Кушон тангаси.



Олтин дистатер. Аверс. Вима Кадфиз, Кушон шохи. Милодий 137 йил.

Шунингдек, 2019 йил январь ойида очилган Имом ал-Бухорий таълим марказига ташриф режалаштирилган. «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» туркумининг иккита янги жилдининг (Хоразм ва Бухоро ёдгорликларининг архитектура эпиграфикасига бағишланган альбомлар) нашрларининг тақдими ҳамда «Ўзбекистон ёдгорликларинималар ҳақида сукут сақлайди?» мавзусида ноёб экскурсияни ташкил этиш муҳим воқеа бўлади. Бунда олимлар Самарқанднинг меъморий ва тарихий ёдгорликларидаги маърифатга қаратилган ёзувлари билан танишадилар.

Самарқандда Маданий мерос ҳафталиги кунлари Ўзбекистонда биринчи бўлиб Амир Темур даврига мансуб етти та боғлардан бирининг намунаси бўйича барпо этилган янги «Боғишамол» боғининг очилиши режалаштирилган. Очилиш доирасида «Самарқанд — Буюк ипак йўлининг юраги» деб номланган тарихий сахналар намойиши бўлиб ўтади, унда Маданий мерос ҳафталиги меҳмонлари иштирок этишади. Либослар тақдимотининг меҳмонлари шарқона қадимий бозор атмосферасининг яратилиши туфайли унинг миллий анъаналари, ошхоналари, либослари ва халқ амалий санъати намуналари намойиш этилган Буюк ипак йўли даврига тушиб қоладилар. Шу билан бирга дунё халқларининг энг яхши анъанавий қадимий либосларининг «Энг яхши миллий либос» театрлаштирилган танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Ўзбекистоннинг маданий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада кучайтириш мақсадида шарқшунослар ва халқаро илмий ҳамжамият аъзолари учун мукофот жамғармаси 25000 АҚШ долларига



Кампиртепа казилмалари.

тенг бўлган «Ўзбекистоннинг маданий меросига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола» номли танлов эълон қилиниши мўлжалланган.

Маданий мерос ҳафталиги иштирокчилари ва меҳмонлари шунингдек «Шарқ тароналари» XII халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида иштирок этишлари режалаштирилган.

Тадбирларни халқаро медиа маконда, кенг ёритиш мақсадида дунёнинг 50 дан ортиқ таниқли оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилади. Тадбирлар



доирасида миллий ва хорижий хужжатли фильм ижодкорлари томонидан яратилган 15 дан ортиқ янги хужжатли фильмлар, шу жумладан жаҳон тўпламларидаги тарихий маданий мерос ҳақида 10 та фильм намойиш этилади. «Ўзбекистон. Севги ҳақида афсона», «Бобурийлар маликасининг ҳикматлари», «Катта Лангар Қуръони: сирлар ва ҳақиқатлар» премьералари «Россия-Культура» телеканали, ВВС Uzbek интернет-порталида, шунингдек, Ўзбекистон телевизион каналларида намойиш этилади.

– Бугунги кунда Ўзбекистон маданий меросини асраб-авайлашга катта аҳамияти қаратилмоқда. Фольклор санъатига бу қай даражада таъсир қилмоқда...

-Бугунги кунда глобаллашув даврида шоу-бизнес ва «оммавий маданият» тижорат соҳасига айланганида ҳар қандай миллий маданиятнинг ҳаёт манбаи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш сусайиб бормоқда. Буюк маънавий бойликни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш ҳамма учун, давлат ва жамоат арбоблари, маданий ва илмий зиёлилар учун шарафли вазифадир.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда илк мартаба Ўзбекистон маданий меросини сақлаш ва ривожлантиришга бағишланган ноёб фестиваллар ўтказилди. Шаҳрисабзда биринчи Халқаро Мақом санъати форуми бўлиб ўтди. Тадбирда 60 дан ор-



Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдухакимов билан фестивалнинг ижтимоий аҳамиятга эга медиа лойиҳаси доирасидаги интервью.



тиқ мамлакат вакиллари иштирок этди. Мақом — асрлар давомида шоир ва файласуфлар, бастакорлар, қўшиқчилар ва муסיқачиларнинг меҳнати туфайли ривожланган ноёб санъат. ЮНЕСКО Шашмақомни инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида тан олди. Бахшичилик санъати халқаро фестивали ҳар икки йилда бир марта Сурхондарё вилоятида ўтказиб келинади. Бу минтақа узоқ вақтлардан бери ноёб Шеробод бахшичилик мактаби билан машҳур бўлиб келади. У оқин санъатини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган. Биринчи фестивалда 74 та мамлакатдан 160 дан ортиқ вакиллар иштирок этдилар. «Шарқ тароналари» фестивали ЮНЕСКО томонидан йирик Халқаро маданий форум сифатида тан олинган ва унинг номи муסיқа оламида ўзига хос брендга айланган, бу шубҳасиз унинг нуфузи ва аҳамияти ортиб бораётганидан далолат беради. Мавжуд маданий мероснинг ўзига хос хусусиятлари ва бадий маҳорати

билан асраб-авайлашга қаратилган анъанавий «Ипак ва зираворлар» фестивали зардўзлик, қўлда тўқиш, ёғоч ўймакорлиги, гилам тўқиш, хунармандчилик ва тасвирий санъат каби халқ амалий санъатини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

— *Мамлакатда Ислоннинг маърифий аҳамиятини кўрсатиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?*

— **Б**угунги кунда мамлакатимиз Президенти томонидан қўйилган энг муҳим вазифа Ислон динининг чинакам гуманистик моҳиятини кенг дунё ҳамжамиятига етказишдир. Унинг бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатли Ислон ҳақидаги таълимотларни тарқатиш мақсадида Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази барпо этилди.

Марказ фаолияти иккита етакчий ўнашлишга асосланган, бу — илмий-тадқиқотлар ва имомларнинг малакаларини ошириш бўйича ўқув курслари. Марказ Ватанимизнинг буюк олимларининг ҳаё-



Самарқандаги Имом ал-Бухорий номидаги илмий-тадқиқот маркази



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا تُكْرِمُونَ
وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا تُكْرِمُونَ

مَنْ أَرَادَ أَنْ يَنْجُو
فَلْيَرْجِعْ عَنِ الْفِتَنِ
وَالْيَرْجِعْ عَنِ الْفِتَنِ

وَالْيَرْجِعْ عَنِ الْفِتَنِ
وَالْيَرْجِعْ عَنِ الْفِتَنِ

وَالْيَرْجِعْ عَنِ الْفِتَنِ
وَالْيَرْجِعْ عَنِ الْفِتَنِ

وَالْيَرْجِعْ عَنِ الْفِتَنِ
وَالْيَرْجِعْ عَنِ الْفِتَنِ




ти, илмий мероси, ижоди, асарлари, қўл-ёзмалари, босма китобларини ўрганиш бўйича республика ва хорижий илмий марказлар билан ҳамкорлик ўрнатди: Оксфорд Исломшунослик маркази, Кембриж университети, Ал-Фурқон фонди, Британия музейи, Араб дунёси институти, Франция миллий кутубхонаси ва бошқа илм ўчоқлари. Ўтган вақт мобайнида яратилган 535 та қўлёзма ва литографик асарларнинг электрон нусхалари хорижий мамлакатлар кутубхоналари фондларида сақланмоқда. Марказда сақланган 1168 та асардан иборат каталог, ўндан ортиқ монография ва оммабоп илмий китоблардан каталог тайёрланган.

Шунингдек, Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази барпо этилмоқда. Лойиҳага кўра, марказда академия, кутубхона, архив ва қўлёзмалар фондини яратиш режалаштирилган бўлиб, улар мамлакатимизда ва хорижда сақланаётган қадимий қўлёзмалар, литографик китоблар, тарихий ҳужжатлар, замонавий Ўзбекистонда яшовчи буюк олимлар ва дин арбоблари томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга оид қадимий буюмлар, шунингдек, ушбу йўналишдаги замонавий илмий тадқиқотлар билан тўлдириб борилади.

Хозирда чет элда жойлашган Ўзбекистон маданий қадриятларини ўрганиш маркази ташкил этилган. У миллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда чет элдаги мамлакатимиз тарихи ва маданияти билан боғлиқ маданий қадриятларни аниқлаш, шунингдек, марказ уларнинг тўлиқ маълумотлар базасини — реестрни яратиш ва доимий равишда янгилаб бориш билан шуғулланади, ҳамда мамлакатимизга ушбу тарихий экспонатлар, фотосуратлар ва видео тасвирларнинг асл нусхалари ёки нусхаларини етказиб бериш ва тегишли илмий марказлар билан илмий тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланади.

— Ўтган йили Санкт-Петербургда бўлиб ўтган II Халқаро конгресс дои-





расида Ўзбекистон маданиятига бағишланган китоб-альбомлар тақдимоти бўлиб ўтди. Айтингни, бу амалиёт Маданий мерос ҳафталигининг асосий тадбирларидан бирига айланган III Халқаро конгрессда давом эттириладими?

– *Х*а, албатта, Тошкентда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг III Халқаро конгресси бўлиб ўтади, унда Ўзбекистон, Франция, Германия, Буюк Британия, Россия, Туркия, Япония, Чехия, Польшанинг 200 нафардан ортиқ етакчи мутахассислари томонидан тайёрланган «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» туркумининг 15 та янги китоб-альбомлари (намуна нусхалари) ва 10 та ҳужжатли фильмлар тақдимотини ўтказиш режалаштирилган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти тўпламидан (5 та жилд), Ўзбекистон тарихи давлат музейидан (2 та жилд), Самарқанд давлат музей-қўриқхонасидан (1 та жилд) 10 та китоб-альбомни, шунингдек, Ўзбекистон музейларидаги темурийлар меросига бағишланган жилдни нашр этиш ва жаҳон илмий жамоатчилигига тақдим этиш учун тайёргарлик чоралари кўрилди (Тошкент, Бухоро, Фарғона, Шаҳрисабз, Термиз ва бошқа музейлар). Шу билан бирга Кушон подшолиги хазиналарига бағишланган ноёб китоб-альбомнинг тақдимоти режалаштирилган.

Конгрессда Парижда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти расмий рўйхатдан ўтказиш ҳақида эълон қилиш маросими ўтказилади.

– Шубҳасиз, Маданий мерос ҳафталиги мамлакатимизнинг энг улуғвор тадбирларидан бири бўлади, шу боис ташкилотчилар ҳақида қисқача гапириб берсангиз...



- Ушбу тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги чет элдаги Ўзбекистон маданий кадриятларини ўрганиш маркази, Ислом цивилизацияси маркази, ЮНЕСКО миллий комиссияси томонидан ташкил қилинади.

Тадбирларни молиялаштириш манбалари – булар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари, Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари маҳаллий бюджетларидан қўшимча манбалар, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан ажратиладиган бюджет маблағлари ва бошқа манбалар. Шунингдек, Eriell Group халқаро нефть хизматлари компаниясининг ҳомийлик кўмаги.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, халқаро миқёсда ўтказиладиган бундай тадбирларнинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий меросини жаҳон ҳамжамияти назарида кенг тарғиб қилиш, ўзбек халқининг бой интеллектуал, моддий ва номоддий мероси ва миллий анъаналарини сақлаб қолиш, чет элда мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини яратиш ва республиканинг бой туристик салоҳиятини намойиш этишда ёрдам беради. Бундан ташқари, ижтимоий аҳамиятга эга ушбу халқаро конференциялар, шубҳасиз ўзбек халқининг буюк тарихий меросини ўрганиш, уни ёшлар орасида тарғиб қилиш ва келажак авлодларга етказиш орқали мамлакатимизда истиқомат қилувчи халқларнинг бирлигини мустаҳкамлаш борасидаги гоялар ва ташаббусларни халқаро миқёсда амалда рўёбга чиқаришда катта хисса қўшади.







Тошкент
2019